Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 115 (5706).
21 МАЙ 1985 Й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС «Кам таъминланган пенсионерлар ва оилаларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш, ёлғиз гражданлар тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш соҳасида биринчи галдаги тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда қайд этиладики, КПСС XXVI съездининг қарорларига мувофиқ, болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтиришга оид социал тадбирлар комплекси амалга оширилди, ёлғиз оналарга берилаётган нафақалар кўпайтирилди, ишчи ва хизматчиларнинг қарилик ва инвалидлик пенсияларини оширилди. Меҳнатга лаёқатли пенсионерларнинг ва ёш болали аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиши учун янада қулай шароитлар яратилди.

Шу билан бирга аҳолининг кам таъминланган категориялари, айниқса, меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз гражданларнинг турмуш даражасини янада кўтариш вазифасининг ҳал этилиши уларнинг пенсия таъминотини яхшилаш, кексалар ва инвалидларга социал хизмат системасини ривожлантириш, болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар амалга оширилишини талаб қилади.

Қарорда 1985 йилнинг 1 ноябридан бошлаб колхоз аъзоларининг қарилик пенсияси минимал миқдорини ойига 28 сўмдан 40 сўмга етказиш ҳамда шунга мувофиқ равишда инвалидлик юзасидан ва боқувчисидан жудо бўлган тақдирда берилаётган пенсияларнинг минимал миқдорларини ошириш, шунингдек, ўн йилдан кўпроқ муқаддам ишчилар, хизматчиларга ва уларнинг оилаларига ойига 60 сўм миқдорида тайинланган пенсияларни ошириб, ҳозирги вақтда худди шу касб ва малакадаги ходимларга тайинланаётган пенсиялар даражасига яқинлаштириш зарур, деб топилди.

Халқ депутатлари район (шаҳар) Советларининг ижроия комитетларига ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари орасидан бўлган жуда муҳтож ёлғиз пенсионерларга маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан пенсияларга қўшимча белгилаш ҳуқуқи берилди. Бу қўшимча миқдори пенсионерларнинг ҳақиқий моддий аҳволига асосланиб белгиланади. Бунда пенсия ва қўшимчанинг умумий миқдори ойига 50 сўмдан ошмаслиги керак.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

ҲИНДИСТОН «ПРЕСС ТРАСТ ОФ ИНДИА» (ПТИ) АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

Ҳиндистоннинг «Пресс траст оф Индиа» (ПТИ) ахборот агентлиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевга мурожаат этиб, саволларига жавоб беришни илтимос қилди.

Ўртоқ М. С. Горбачев 16 май куни ПТИ агентлигининг Москвадаги мухбири С. П. К. Гуптани қабул қилиб, берилган саволларга жавобларни унга топширди.

Қуйида савол-жавоб тексти эълон қилинмоқда.

Савол. Бош министримиз Ражив Ганди билан бўлажак учрашув муносабати билан тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш нуқтаи назаридан Сиз Совет-Ҳиндистон муносабатларининг аҳволи ҳамда истиқболларини қандай баҳолайсиз?

Жавоб. Аввало, Ҳиндистон раҳбарларини бизнинг мамлакатимизда алоҳида туйғу билан кутиб олишларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Совет кишилари улуғ, дўст ҳинд халқига самимий хайрихоҳлик ва иззат-ҳурматни изҳор этаётганликлари мана шунда ўз ифодасини топмоқда. Совет кишилари ва ҳиндларнинг турли авлодлари дўстлигимиз тарихига ўзларининг ёркин бобларини ёзишган. Жавоҳарлал Неру билан Индира Ганди шу дўстликни ривожлантиришга жуда кўп ҳисса қўшган эдилар.

Бизнинг Ҳиндистонга муносабатимиз халқларнинг империалистик зулмга қарши, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда социал янгиланиш учун олиб бораётган Совет Иттифоқи принципиал равишда ва муттасил қўллаб-қувватлаётганини акс эттиради. Бу йўлни бизга улуғ Ленин васият қилиб қолдирган, биз ҳам шу йўлни муқаддас билиб, унга содиқ бўлиб қолмоқдамиз. Биз, ҳеч муболағасиз, ноёб, бебаҳо бойликни мерос қилиб олганмиз. «Бизни ҳукуматлар ўртасидаги муносабатларгина ва ҳатто сиёсий ҳамда иқтисодий ҳамкорликгина бирлаштириб турмаган йўқ. Бизнинг муносабатларимиз — икки буюкдкор халқ жўшқин қалбларининг пайвасталигидир». Индира Гандининг мана шу ёркин ва образли сўзлари ўзаро муносабатларимиз даражасини, унинг ғоят хилма-хил жиҳатларини жуда яхши таърифлаб турибди.

Шу имкониятдан фойдаланиб, номи Совет-Ҳиндистон дўстлиги тарихига абадий ёзиб қўйилган ҳинд халқи атоқли қизининг порлоқ хотирасини яна бир бор ҳурмат билан эсга оламан. Унга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилганлиги — мустаҳкам тинчлик учун, халқлар ўртасида тинчлик учун курашга у қўшган ғоят катта ҳиссанинг эътироф этилишидир.

Ҳиндларда одамлар бир-бирига пешвоз чиқаётган йўл энг қисқа йўлдир деган нақл бор. Бизнинг халқларимиз неча ўн йиллар мобайнида айни шундай йўлдан бормоқдалар. Айни шу боисдан бизнинг алоқаларимиз ҳамиша ривожланиб бормоқда. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосланган муносабатларимизнинг юксак даражада бўлиб, ҳар томонлама муттасил ривожланаётганлиги мамнуният бахш этмоқда.

Биз Ҳиндистоннинг тинчликни сақлаб қолиш ва ядро уруши хавфининг олдини олиш борасидаги умумий куч-ғайратларга қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлаймиз. Ҳозирги пайтда Ҳиндистон қўшилмаслик ҳаракатига бошчилик қилиб, унинг бирлигини мустаҳкамлаш ва дунёдаги унинг самарали таъсирини кучайтириш учун кўп иш қилмоқда. Қўшилмаслик ҳаракати халқаро муносабатларнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Совет — Ҳиндистон дўстлиги — халқларимизнинг ғинг мулки эмас. Бу дўстлик ҳозирги кескин вазиятда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлиб, турли тузумдаги мамлакатлар тинчлик идеалларига, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик принципларига амал қилганлари тақдирда улар қанчалик самарали ҳамкорлик қила олишларини кўрсатувчи намунадир.

Биз Совет — Ҳиндистон муносабатларининг истиқболларига ишонч билан қараймиз. Бош министр Ражив Ганди билан аввалги учрашувимиз вақтидаёқ ҳар иккала томон ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилаётганлиги тасдиқланган эди. Икки томонлама муносабатлар, шунингдек халқаро муносабатлар соҳасида кўпгина масалаларни муҳокама қилиш чоғида бизнинг анъанавий алоқаларимиз совет ва ҳинд халқларининг манфаатлари, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида янги мазмун билан тўлдирилишига шубҳа қилмайман.

Мамлакатимизда зўр ҳурматга сазовор бўлган Ҳиндистон раҳбари билан яна мулоқотда бўлиш шахсан мен учун қувонч бахш этади, албатта.

Савол. Тўрт қитъа вакилари бўлмиш олти мамлакат давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг ташаббуслари Совет Иттифоқида кенг кўламда маъқулланди. Бу ташаббуслар ана шу мамлакатларнинг 1984 ва 1985 йиллардаги декларацияларида қайд этилган. Сизнинг фикрингизча мазкур ташаббуслар қандай қилиб амалга оширилиши мумкин бўлур эди?

Жавоб. Биз бу ташаббусларга юксак баҳо бермоқдамиз. Олти мамлакат бошлиқларининг ҳужжатларида ифода этилган фикрлар билан совет ташаббуслари бир йўналишдадир. Декларацияларда айтилганидек, пировард вазифа — ядро қуролини инсоният ҳаётидан йўқ қилиб ташлаш вазифаси мамлакатимиз ташқи сиёсатининг мақсадларига батамом мос келади.

Биз Женевада Қўшма Штатлар билан музокараларга бора туриб, космоса қуролланиш пойгасини бошламаслик, ерда шундай пойгани тўхтатиш, ядро қуролларини тубдан қисқартиришга киришиб, бора-бора уларни батамом тугатиш — шу музокараларнинг мақсади эканлиги тўғрисида аҳдлашиб олган эдик.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚЛАРЧА СУҲБАТ

20 май куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Италия Коммунистик партияси раҳбарлик органининг аъзоси Ж. Черветтини қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбат ўртоқларча, самимий вазиятда ўтди.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА
ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПАРТИЯ АНЖУМАНИГА



ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Ўзбекистон ва Тошкент ишлаб чиқариш илғорларининг коммунистлар ажимманинг меҳнат совғалари билан кутиб олиш ҳақидаги мурожаатларн меҳнат кўтаринкилигининг айниқса авж олдирмоқда. Меҳнат коллективлари, айрим ишчилар ўз зиммаларига олинган мажбуриятлар қабул қилиб, иш суръатини авж олдирмоқдалар, мавжуд резервлардан кенг фойдаланиб, ишлаб чиқаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

«Промсвязь» тажриба заводи механика цехининг пешқадам слесарь-монтажчилар бригадаси партия XXVII съездини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олишга интилаётганлар жумласидандир.

Ўтган йилнинг иш якунларига кўра мазкур коллектив завод бўйича социалистик мусобақада биринчи ўринни қўлга киритди. Ҳозир ҳам пешқадамлар сафида бораяпти. Бригада смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: чапдан ўнгга) пешқадам бригада аъзолари: В. Бочкарёв, Т. Семёнова, Л. Чурашева, Ю. Чернов, А. Дубовиков, Х. Тўлаҳўжаев.

М. Нуриддинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Сурия Араб Республикасининг ирригация министри Абдил Раҳмон Мадани бошчилигидаги Сурия делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан, республика мелиораторларининг ютуқлари билан танишди. Меҳмонлар янги ерлар планли равишда ўзлаштирилаётганлигини кўрдилар. Бир қанча сув хўжалиги объектларида бўлдилар.

Делегацияни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбатда Сурия вакилларига ҳамроҳлик қилаётган СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари В. Ф. Моховиков қатнашди.

20 май куни меҳмонлар Тошкентдан Боқуга жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

Ўрта Осиё темир йўли хўжалик активининг 20 май куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида 1985 йилги планни бажариш ҳамда КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларига мувофиқ беш йилликни муваффақиятли адо этиш тадбирлари муҳокама қилинди.

Магистрал бошлиғи Н. А. Белогуровнинг докладида, Бухоро депосининг машинисти, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати А. Б. Власов, Чоржўй темир йўл бўлимининг бошлиғи Ҳ. Ҳ. Холиқов, Мари станцияси узель партия комитетининг секретари Э. С. Отаева, темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Душанба район советининг раиси М. С. Сандов нутқларида Ўрта Осиё темир-йўлчилари беш йилликнинг тугалловчи йилида ишни яхши бошлаганликлари қайд этиб ўтилди. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар. Магистралдаги 130 минг меҳнатчининг куч-ғайрати, партия, совет органларининг актив ёрдами туфайли шу муваффақиятга эришилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этишга умумий куч-ғайрат сарфланди. Яқин вақтлargача халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ҳамда пассажир ташишга бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилмас эди. Ҳам юк поездлари, ҳам пассажир поездларининг ҳаракат графиги паст даражада бажарилар, кўпгина муҳим техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар пасайиб кетган эди. Интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, юк ва пассажир ташишни бошқариш системасини рационализациялаш юзасидан зўр ғайрат билан қатъий чоралар кўриш талаб қилинди. Йўлнинг моддий базасини ривожлантиришдаги қолоқликка барҳам бериш учун катта-катта ишлар қилинди.

Ишларни қайта ташкил этиш натижасида йўл бўлимлари йириклаштирилди, бу эса техника самарадорлигини кескин ошириш, тепловозлар ва вагонлардан яхши фойдаланиш, қўпгина локомотив бригадаларини бошқа ишга ўтказиш имконини берди. Бўлимларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллиги кенгайтирилганлиги юк ва пассажир ташишни ташкил этиш учун уларнинг масъулияти оширилишига олиб келди, магистрал бошқа йўлларнинг ёрдамидан воз кечди — энди бу ерда тепловозлар оператив резерви мавжуд. Йил бошидан буён пландан ташқари 280 минг тонна халқ хўжалик юки ташиб берилди, уларни жўнатиш қўпайди, пассажир поездларининг график асосида ҳаракат қилиш даражаси ошди.

Бироқ йиғилиш қатнашчилари эришилган натижаларга КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми талаблари асосида баҳо бериб, шуни таъкидладиларки, дастлабки муваффақиятлар — ишнинг бошланиши, ўзига хос «пойдевор» бўлиб, унинг асосида интенсив иш методлари сари, юк ҳамда пассажир ташиш самарадорлиги ва сифатини жадал ошириш сари қатъий бурилиш қилиниши лозим. Чунки, юк ва пассажир оборотн, юкларни тушириш, юк ташиш таннархини арзонлаштириш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш каби муҳим кўрсаткичлар бугунги кунда ҳам яхшиланишни тақозо этмоқда. Йиғилиш қатнашчилари қайд этиб ўтишганидек, беш йилликнинг аввалги йилларида бой берилган нарсаларни тўлдириб олиш мақсадида суръатни кучайтиришни давом эттириш — ҳозирги бош вазифадир. 1985 йилги план ҳар қандай шароитда ва ҳеч қандай тузатишсиз бажарилиши керак. Социалистик мусобақани, бутун ташкилотчилик иши, сиёсий ва техникавий ишни шунга қаратиш лозим. Йўл раҳбарларидан то ишчиларгача барча даражаларда ҳам меҳнат, ҳам технология интизомини бундан буён ҳам қабот билан мустаҳкамлаш зарур, деб топилди. Бу — ишлаб чиқаришнинг энг муҳим ташкилий-иқтисодий ва социал резервларидан биридир.

Йиғилиш қатнашчилари Ўрта Осиё магистрали коллективини беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун кучни сарфлашга, партиянинг XXVII съездини меҳнатда янги-янги ютуқлар билан кутиб олишга даъват этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади. У йўл коллективига СССР Темир йўллар министрлиги билан тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди. Ўрта Осиё темирйўлчилари биринчи квартал якунларига кўра, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанликлари учун шу мукофотга сазовор бўлишган эди.

Йиғилишда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари ҳамда область комитетларининг, шу республикалар Министрлар Советларининг масъул ходимлари иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бирлашмаси коллективи КПСС XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида янги оширилган мажбурият асосида маҳсулот тайёрлаб чиқаришни бошлади. Машинасозлар бу йил планга қўшимча ярим миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайдилар. Пахта йиғим-терими бошлангунга қадар 10 та кўрак чувийдиган машина дала меҳнаткашларига етказиб берилади.

●

Ҳамза районн саноат корхоналари ва новаторларининг бўлиб ўтган анъанавий слёти «Меҳнатга шон-шарафлар» деб номланди. Партиянинг бўлажак XXVII съезди шарафига муносиб меҳнат совғаларини тайёрлашга бел боғлаган ишлаб чиқариш илғорлари, корхоналар ва ташкилотлар мутахассислари бу маросимга тўпландилар. Улар орасида В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидан Т. Рустамов, В. И. Княшченко, С. А. Норкин, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасидан Р. В. Ҳикматов, М. П. Ряжков, 2-уйсозлик комбинатидан Р. Юсупов, Е. Харитонова, Ю. Заров, тепловоз депоси ва бошқа корхоналарнинг ишчилари бор. Уларни ёзувчилар, рассомлар, артистлар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари табрикладилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 22 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 18—20, эртага кундузи 31—33 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

18 майда Тошкент область партия комитетининг IX пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми якунлари ва область партия ташкилотининг партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, «Узстроймеханизация» трестининг Олмалиқдаги 2-ихтисослаштирилган механизация бошқармасининг минорали кран машинисти Л. В. Ушакова, Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. С. Раззоқов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Журавлёв, Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари З. Т. Маҳсумов, Бўка районидаги «Ленинобод» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи И. Ҳожибекова, Тошкент районидаги Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари А. Умаров, Коммунистик район ижроия комитетининг раиси И. И. Ли, Оҳангарон районидаги «Ғаллакўдуқ» совхоз-саноат комплексининг директори Г. П. Гриценко қатнашдилар.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

М. М. Мирқосимов Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан область партия комитети оғир саноат бўлимининг мудири вазифасидан озод қилинди.

Область партия комитети оғир саноат бўлимининг мудири қилиб В. В. Шеин тасдиқланди.

Пленум Й. М. Аҳмедов жиноий жавобгарликка тортилганлиги сабабли уни КПСС аъзолигидан ўчирди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Оғир саноат ва энергетика бўлими мудирининг ўринбосари В. А. Дурасов иштирок этди.

тонгги газеталарда

Беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида мавжуд корхоналар қувватларини янада тўлароқ ўзлаштириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш масалалари Андижон область партия комитетининг 18 май куни бўлиб ўтган пленуми қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов доклад қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

***

Меҳнатни уюштиришнинг илғор формалари ва методларини жорий этишга кучларни сафарбар қилиш, меҳнат унумдорлигининг мунтазам ўсишига, маҳсулот сифатини яхшилашга, ҳамма жойда зарур тартиб ва интизомни йўлга қўйишга эришишдан иборат асосий вазифаларни ҳозирги вақтда Қашқадарё областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳал этмоқдалар. Область партия комитетининг пленумида ана шу нарса таъкидлаб ўтилди.

Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туроповнинг докладида ва нутқларда КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми материаллари жонажон партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун курашда ҳар бир меҳнат коллективи учун аниқ-пухта мезон бўлиб қолганлиги тўғрисида гапирилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анишчев нутқ сўзлади.

***

Партия XXVII съездига тайёргарлик — коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш юзасидан қатъийят билан иш олиб бориш давридир. Беш йилликнинг якунловчи йили давлат плани ва социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажарилиши зарур. Навоий область партия комитетининг пленумида шу ҳақда гапирилди.

Докладчи — область партия комитетининг иккинчи секретари Ҳ. Ҳ. Худойқулов ва сўзга чиққан нотиқлар беш йиллик мобайнида қилинган ишларни ҳар томонлама таҳлил этиб, областда ишлаб чиқариш жадал суръатларда ўстирилганлигига қарамай, кўпгина план топшириқлари амалга оширилмай қолганлигини уқтириб ўтдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин нутқ сўзлади.

***

Ҳозир область меҳнаткашлари КПСС XXVII съездига тайёргарликни зарбдор, серунум меҳнат қилиб нишонлаш муддаоси билан яшамоқдалар. Сирдарё область партия комитетининг пленумида шу ҳақда гапирилди. Область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Антонов доклад қилди.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ЎТ ОЧАЙЛИК

ИЧКИЛИК ИЧМАСЛИК — ҲАЁТ МЕЪЁРИ

18 май куни Тошкент область партия комитетида шаҳар ва район партия комитетлари биринчи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари раислари, Тошкент область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари область ва шаҳар бошқармалари ҳамда бўлимлари раҳбарлари, шаҳар ва район халқ контроли комитетлари ва тармоқ касаба союз область комитетлари раислари, шаҳар ва район комсомол комитетлари биринчи секретарларининг область кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов очди.

Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан партия, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларн раҳбарларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Кенгаш ишида область партия комитети бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

КОММУНИСТЛАР МУҲИМ МАСАЛАНИ МУҲОКАМА ЭТМОҚДАЛАР

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-механика цехида кеча очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. У КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича цех партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама этди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров доклад қилди.

Йиғилишда сўзга чиққан коллектив ходимлари партия ва ҳукуматимиз қабул қилган қарорларни яқдиллик билан маъқулладилар ичкиликбозлик ва алкоголизм ҳолларини қатъиян қораладилар, бундай салбий ҳолатларга қарши курашни кучайтириш бўйича конкрет таклифлар жиритдилар.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Л. Ишков иштирок этди ва сўзга чиқди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Ў. О. Зокиров, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко қатнашдилар.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

Ҳиндистон «Пресс траст оф Индиа» (ПТИ) агентлиги мухбири билан суҳбати

(Бошн биринчи бетда).

Ишни эса олғи мамлакат раҳбарлари даъват этаётган нарсадан — ядро қуролини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва жойлаштиришни тўхтатиш, ядровий аслаҳахоналарни қўпайтирмаслик ва уларни камайтиришга киришиш, қуролланиш пойгаси космосга ёйилишининг олдини олиш ҳамда ядро қуроли синовларини батамом тақиқловчи шартнома тузишдан бошлаш мумкин.

Биз ишнинг бошланиши тариқасида қурол-яроғлар бундан буён кўпайтирилишини тўхтатиб қўйишни, СССР билан АҚШ Женева музокараларн олиб борилаётган бутун давр мобайнида зарбдор космик қуролларни яратмай, жумладан илмий тадқиқот ишларини, шундай қуролларнинг синовларини ўтказмасликларн ва жойлаштирмасликларини, Европада Американинг ўртача олислик ракеталарини жойлаштириш тўхтатиб қўйилиши ҳамда бизнинг жавоб чораларимиз кучайтирилмаслиги учун ўзларининг стратегик ҳужум қуролларини кўпайтирмасликларини таклиф этдик.

Бунда Совет Иттифоқи ҳозирнинг ўзидаёқ шу йилнинг ноябрь ойига қадар Европада ўзининг ўртача олислик ракеталарини ўз ташаббуси билан жойлаштирмай қўйди ва бошқа жавоб чораларини амалга оширишни тўхтатди. Аҳдига вафодор бўлган СССР шу тадбир шартларига қатъий амал қилмоқда. Биз Вашингтон ва унинг НАТОдаги шериклари ташаббусимизга жиддийроқ ва ўйлаб баҳо берадилар, Ғарбий Европада Америка ракеталарини жойлаштирмай қўйди ва бошқа жавоб чораларини амалга оширишни тўхтатди. Аҳдига вафодор бўлган СССР шу тадбир шартларига қатъий амал қилмоқда. Биз Вашингтон ва унинг НАТОдаги шериклари ташаббусимизга жиддийроқ ва ўйлаб баҳо берадилар, Ғарбий Европада Америка ракеталарини жойлаштириш масаласида тийилиб турадилар, деб умид қилишга ҳақлимиз. Бу масаладаги ҳамжиҳатлик Женевадаги музокараларни амалий изга ўтказишда ёрдам берган бўлур эди.

Ниҳоят, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида. Биз АҚШни ва ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларни бунга бир неча марта даъват этдик. СССР ядро қуролига эга бўлган давлатларга ҳар қандай ядро портлатишини тўхтатиб туришни эълон қилишни, бундай тадбир ядро қуроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисидаги шартнома тузилгунга қадар амалда бўлишини таклиф қилди ва таклиф қилмоқда. Шу тадбирни 1985 йил 6 августдан, яъни Хиросима фожиали атом бомбардимони қилинганлигининг 40 йиллиги кунидан бошлаб ёки, ҳатто, илгарироқ жорий этиш мумкин бўлур эди.

Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини батамом тақиқлаш тўғрисидаги музокараларни ҳам дарҳол яна бошлашга тайёрдир. Маълумки, бу музокаралар АҚШнинг айби билан тўхтатиб қўйилган эди. Ядро қуролининг ер ости синовларини чеклаш ҳақидаги ва тинч мақсадларда ер ости ядровий портлатишлари тўғрисида 1974 ва 1976 йилларда имзоланган Совет — Америка шартномаларини аллақачон кучга киритиш пайти келган. Ана шу шартномалар ҳали ратификация қилинган эмас, бунда ҳам совет томонининг айби йўқ.

Бугунги кунда ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг, аввало, СССР ва АҚШнинг зиммасига тинчлик тақдири учун алоҳида масъулият юкланган, албатта. Аммо Совет Иттифоқи ҳеч қачон дунёга фақат Совет—Америка муносабатлари таъсири остидагина назар ташлаб келгани йўқ. Ўткир муаммоларни реалистик тарзда ҳал этиш йўлларини қидириб топишда, халқаро кескинликни юмшатишда барча давлатлар иштирок этишлари мумкин ва лозимлигига ишончимиз комил. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва тўпланган қуролларнинг запасларини камайтириш борасида амалий чоралар кўрилишини ёқлаб, музокаралардан шундай пойгани давом эттириш учун бир ниқоб сифатида фойдаланиш йўлидаги уринишларга қарши чиқаётган турли мамлакатлардаги миллионлаб кишиларнинг садоси ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Савол. Осиёда, жумладан, Ҳинд океани районида мустаҳкам тинчликка эришиш ва ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сиз нималарни айта оласиз?

Жавоб. Биз Ҳиндистоннинг Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини, унинг региондаги энг муҳим проблемаларга оқилона ва пухта ўйлаб ёндашаётганлигини юксак қадрлаётганлигимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, у ҳамиша Осиёда тинчлик ва хавфсизлик учун, қитъадаги давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги учун курашиб келди ва курашмоқда. Бу Ҳинд океани ҳавзаси учун ҳам тўла тааллуқлидир. Биз мазкур регионнинг тинчлик зонасига айлантирилиши ғоясини қўллаб-қувватламоқдамиз.

Маълумки, АҚШ ушбу масала юзасидан халқаро конференция ўтказилишини бир неча йилдан буён барбод этиб келмоқда. Ҳинд океани ҳавзасида ҳарбий фаолиятини чеклаш тўғрисидаги Совет—Америка музокараларини ҳам АҚШ бир томонлама тартибда тўхтатиб қўйди. Бу орада АҚШнинг ўзи у ерда қуролли кучларини муттасил кўпайтирмоқда.

Совет Иттифоқи музокараларни яна бошлашга тайёр эканлигини неча марталаб айтди. СССРнинг 1982 йилда олий даражада ўтказилган Совет — Ҳиндистон учрашуви чоғида олға сурилган таклифи — кемалари Ҳинд океани ҳавзасида сузиб юрган барча давлатлар конференция чақирилишини кутиб турмай, шу региондаги вазиятни читаллаштирадиган ҳар қандай қадамлардан тийилиб туриш тўғрисидаги таклифи ҳам ўз кучида қолмоқда. Бунда нималар назарда тутилмоқда? Катта ҳарбий денгиз кўшилмалари у ерга юборилмаслиги, ҳарбий машқлар ўтказилмаслиги, ҳарбий базаларга эга бўлган ва соҳил бўйида жойлашмаган давлатларнинг шундай базаларини кенгайтирмаслик ҳамда янгиламаслик керак.

Ҳозир ушбу масала юзасидан халқаро конференция чақириш тўғрисидаги масала Ҳинд океанида тинчлик зонаси учун курашнинг ўзаги бўлиб қолди. Шундай анжуман ўтказилиши учун, пировард натижада Ҳинд океани бошқа бирон давлатларнинг эмас, унинг соҳилларида жойлашган давлатларнинг ҳаётий манфаатлари соҳаси бўлиб қолиши, кескинлик ва можаролар зонаси эмас, балки тинчлик зонаси бўлиб қолиши учун бошқа манфаатдор давлатлар билан биргаликда фаол ишлаш иштиёқида эканлигимизни таъкидлайман.

Пировардида агентлигингиз орқали ҳинд халқига бахт-саодат, фаровонлик ва тинчлик тилашимга ижозат бергайсиз. Биз миллий бирлик ва жипсликни янада мустаҳкамлаш учун, улуғ мамлакатингизнинг социал тараққиёти ва равнақ топиши учун курашда Ҳиндистон ҳукуматига ва барча граждапларига муваффақият тилаймиз.

* * *

ПТИ агентлигининг саволларига жавоблар мухбирга топширилгандан кейин бўлиб ўтган суҳбат чоғида М. С. Горбачев шуни таъкидладики, Совет Иттифоқидагилар Бош министр Ражив Гандининг бўлажак визитига катта аҳамият бермоқдалар ва бу визит иккала давлатимиз ҳаётида, ўртамиздаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим воқеа бўлиб қолади, деб ҳисобламоқдалар. Ҳамиша шундай бўлган: мамлакатларимиз раҳбарларининг ҳар бир визити, уларнинг ҳар бир учрашуви Совет — Ҳиндистон муносабатларида сезиларли из қолдирган. Шу муносабат билан биз, СССРдагилар, Ҳиндистоннинг атоқли раҳбарлари — Жавоҳарлал Неру билан Индира Гандининг мамлакатимизга қилган визитларини самимият ва зўр ҳурмат билан эсга оламиз. Аминмизки, бош министр Ражив Гандининг визити ҳам Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ва мустаҳкам тинчлик учун, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун биргаликда олиб бораётган курашимиз ишига кўп наф келтиради. Бош министр билан ҳозирдаёқ яхши шахсий алоқалар ўрнатганмиз, биз шу алоқаларни яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш умидидамиз.

Ҳиндистон билан дўстлик, унинг улуғ халқига, бой қадимий маданиятига ва унинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига чуқур ҳурмат — ана шуларнинг ҳаммаси барча совет кишиларининг қалбидан жой олган дейиш мумкин.

Ҳиндистон билан дўстлик — неча ўн йиллар мобайнида ташқи сиёсатимизнинг актив анъанаси ҳамдир. Биз ягона, кучли, тинчликсевар Ҳиндистон — ҳозирги дунёнинг ажралмас ва жуда зарур қисми деган фикрга асосланамиз.

Шахсан мени, деди М. С. Горбачев, мамлакатингиз ниҳоятда қизиқтирмоқда, шу боисдан бош министр Р. Гандн мени лутфан таклиф этганлиги тегишли вақтда Ҳиндистон ва унинг халқи билан яқиндан танишиш имконини беради деб умид қиламан.

М. С. Горбачев мухбирнинг баъзи қўшимча саволларига жавоб қайтарди.

М. С. Горбачев партия раҳбари сифатида ўз фаолиятининг мувоффақиятли ривожланишини қандай омилларга боғлаши тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб: бунинг «сири» битта, у ҳам бўлса совет социалистик турмуш тарзимиз, социалистик тузум инсонни шакллантириш ва камол топтириш учун вужудга келтираётган шароитлар эканлигини таъкидлади. Бизда ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг миллионлаб фарзандлари сингари қишлоқ механизаторлари оиласида ҳам меҳнатда чиниқиш, бизда ҳамма учун бемалол бўлган яхши маълумот ва аввал, комсомол, сўнгра эса партия ташкилоти сафларида ўтилган ижтимоий-сиёсий мактаб —буларнинг ҳаммаси турмуш тарзимизга хос омиллар бўлиб, улар совет кишиларининг бирон бир соҳада мамлакатни ривожлантиришда, янги ҳаёт қурилишида фаол иштирок этишларига имкон бермоқда. Ҳар бир мамлакатда, ҳар бир халқда қобилиятли кишилар бор, аммо бизнинг қатъий фикримизча, айни социалистик тузум уларни камол топтириш учун, улар ўз имкониятларини жамият манфаатлари йўлида қўллашлари учун энг яхши шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда.

Ғарбдаги баъзи сиёсий арбоблар, деди С. П. Гупта, Совет Иттифоқи ўз сиёсатини зўр ғайрат ва жўшқинлик билан ўтказаётганлигини қайд этиб, у ташқи сиёсат соҳасидаги планларини рўёбга чиқараётганлиги ҳамда социал-иқтисодий ривожланиш соҳасида ўйлаган тадбирларини амалга ошираётганлиги Ғарб учун, жумладан АҚШ учун тобора кўпроқ хавф солиши мумкин, деб хавотирлик билдирмоқдалар. Мухбир М. С. Горбачев шу хусусда қандай фикрда эканлиги билан қизиқди.

Ўртоқ Горбачев мухбирга жавоб қайтариб, бу хилдаги «хавотирликлар» уларни билдираётган Ғарб арбобларининг виждонига ҳавола, деди. Партиямиз ва давлатимиз раҳбарлари кейинги вақтларда мамлакат тинч социал-иқтисодий ривожланишининг жадаллаштирилишини таъминлаш учун жуда катта иш қилмоқдалар. Биз иқтисодий турмушнинг турли соҳалардаги вазиятга реал баҳо беришга интилиб кўрдик, экспертлар билан маслаҳатлашдик, бу масалаларни шаҳар ва қишлоқдаги кенг меҳнаткашлар оммаси билан муҳокама қилдик. Натижада бизнинг программамиз намоён бўла бошлади, ана шу программани амалга ошириш партия билан халқ ўз олдига қўяётган мақсадларга эришишни таъминлашга ишончимиз комил. Биз социал-иқтисодий ривожланишимиз стратегиясининг Асосий йўналишлари устидаги ишни партия XXVII съездигача тугаллаш умидидамиз ҳамда планларимизни партия ва бутун совет халқи маъқуллаб кутиб олишига аминмиз.

Совет Иттифоқи ўз олдига тинч ривожланишнинг катта, олисни кўзловчи мақсадларини қўяётган экан, табиийки, биз тинчлик сақланиб қолишига муҳтожмиз—ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверамиз. Ишончимиз комилки, бунда бизнинг манфаатларимиз бошқа барча халқларнинг—социалистик мамлакатларнинг ҳам, ривожланган капиталистик мамлакатларнинг ҳам, Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги мустамлакачиликдан озод бўлган давлатларнинг ҳам халқлари манфаатларига мос бўлиб тушади. Эҳтимол бу империалистларнинг қандайдир группаларига ёқмаётгандир, ана шу империалистлар халқаро кескинликни сақлаб қолишни ва қуролланиш пойгасини давом эттиришни, бундан ўзларининг тор ғаразли мақсадларида фойдаланишни истардилар. Лекин бу мутлақо бошқа нарса. Биз эса сиёсатимиз совет халқининг ҳам, бошқа мамлакатлар халқларининг ҳам манфаатларига мос келади деб ҳисоблаймиз.

Мухбир берилган саволларга равшан ва ишонарли жавоблар қайтарганлиги учун М. С. Горбачевга ташаккур билдирди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда

(Бошн биринчи бетда).

Ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар орасида минимал миқдорда пенсия оладиган пенсионерларнинг врачлар рецептларига мувофиқ сотиб оладиган дорилармонлари нархи 1985 йил 1 ноябридан бошлаб 50 процент чегирилиши жорий қилинади.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига пенсия олмайдиган ёлғиз гражданларга тайинланадиган ҳар ойлик нафақалар миқдорини ойига 30 сўмгача кўпайтириш топширилди.

Қариялар ва инвалидлар учун интернат-уйларни кенгайтириш тадбирлари белгиланди.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар муносиб хизмат қилиб, пенсияга чиққан меҳнат ветеранларн тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтиришлари, уларга зарур ёрдам беришлари, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиш фонди маблағлари ҳисобига меҳнат ветеранлари учун интернат-уйлар қуриш практикасини кенгайтиришлари лозим. Касаба союз, комсомол ва пионер ташкилотларининг ёлғиз кекса ва меҳнатга лаёқатсиз гражданларга оталиқ ёрдами беришларини бутун чоралар билан ривожлантириш кўзда тутилади.

Колхозларнинг Иттифоқ кенгашига кексалар ва инвалидлар учун колхозлараро ҳамда колхоз интернат-уйлари тармоғини янада ривожлантириш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш, шу муассасаларда яшаш шароитларини, медицина ва маданий-маиший хизматни яхшилаш тавсия қилинди.

Кексалар ва инвалидлар учун интернат-уйларда овқатланиш, дори-дармон ва бошқа эҳтиёжларга қилинадиган харажат нормалари 1985 йил 1 ноябридан бошлаб 20 процент оширилади.

Арманистон ССР, Эстония ССР ва Иркутск областининг ёлғиз кекса гражданлари учун социал-маиший хизмат комплекси ва пенсионерларнинг меҳнат фаолияти учун ҳоналари бўлган махсус уй-жой бинолари қуриш соҳасидаги тажрибаси маъқулланди. СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига уй-жой қурилишига ажратиладиган маблағ ҳисобидан шундай уйлар қуришни ривожлантириш тавсия қилинди.

Ҳалқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кекса гражданларни, айниқса, ёрдамга муҳтож бўлган шундай гражданларни ҳисобга олишни таъминлаш ҳамда уларга маиший хизмат, савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналари, интернат-уйлар ва бошқа ташкилотлар орқали социал-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш топширилди. Мазкур кишиларга хизмат қилиш учун ишчи ва хизматчиларни ўриндошлик шартлари асосида жалб этишга, шу мақсадда пенсионерлардан, уй-рўзғор ишидаги аёллардан, студентлардан фойдаланиб, уларнинг меҳнатига тегишли ҳақ тўлашга рухсат берилди.

СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Союзининг ижроия комитетига инвалидларга, уруш ва меҳнат ветеранларига, шунингдек, ёлғиз кекса ва меҳнатга лаёқатсиз гражданларга медицина ёрдами бериш, социал-маиший хизмат қилиш учун патронаж хизматини кенг ривожлантириш тавсия қилинди. Бу ишда социал таъминот, соғлиқни сақлаш органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан баҳамжиҳат иш олиб бориш яхшилансин.

Ҳалқ депутатлари маҳаллий Советларига, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг кексалар ва инвалидлар учун интернат-уйларни оталиққа олишни ташкил этиш топширилди. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга шундай интернат-уйларни жиҳозлаш ва ремонт қилиш учун социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди маблағларини белгиланган тартибда сарфлашга рухсат берилди.

Қарорда ўн иккинчи беш йилликда болали оилаларга давлат ёрдамини кенгайтириш соҳасида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақа болаларнинг 8 ёшигача эмас, 12 ёшигача қилиб белгиланди.

Бемор болани боқиш учун ҳақ тўланадиган отпуска муддати 14 кунгача узайтирилиб, амалдаги қонунга нисбатан қўшимча кунлар учун маошнинг 50 процентн миқдорида ҳақ тўланади;

Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига болалари учун белгиланган нафақа миқдори икки ҳисса оширилади; ёлғиз оналар учун белгиланган нафақаларни олиш ҳуқуқи болалари бўлган, аммо боқувчисидан маҳрум бўлганлик юзасидан пенсия олмайдиган бева аёлларга ҳам жорий этилади.

СССР Госпланига, СССР Енгил саноат министрлигига, СССР Савдо министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига кекса кишиларнинг арзон халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжлари ўрганилишини таъминлаш, шу молларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашни планлаштириш чоғида айрим регионлардаги талаб-эҳтиёжни тўлароқ эътиборга олиш топшириғи берилди. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига арзон халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиши ва сотилиши устидан контролликни ташкил этиш, бундан кекса ёлғиз гражданларнинг эҳтиёжлари биринчи галда қондирилишини назарда тутиш вазифаси юклатилди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига кекса ва меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз гражданларнинг ҳамда болалари бўлган оилаларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш, уларга социал хизмат кўрсатиш соҳасидаги илғор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш, уларга зарур турдаги ёрдам берилиши, кам таъминланган оилалар ва гражданларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилашга оид тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши устидан доимий контроллик қилиш топширилди.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР ҚАРДОШ ПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи секретарларининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар Олий даражадаги иқтисодий кенгаши қарорларини рўёбга чиқариш соҳасида партияларнинг иш тажрибасини ўртоқлашиш, шунингдек ҳўжалик қурилишига партиявий раҳбарликка бағишланган кенгаши 20 май куни Москвада ўз ишини бошлади. Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Н. И. Рижков очди.

(ТАСС).

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ЯХШИЛАНСИН

Андижон область халқ маорифи ходимлари активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорлари асосида ўқувчи-ёшлар ва студентлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш вазифалари муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасуловнинг ахборотида ва сўзга чиққан кишиларнинг нутқларида область мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида сиёсий-оммавий, тарбиявий ишларни ҳар томонлама такомиллаштириш, ўқитиш сифатини ошириш коммунистларнинг, барча маориф ходимларининг биринчи галдаги вазифаси эканлиги таъкидланди. Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти қоидаларини мувоффақиятли амалга ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан ўқув юртларининг базавий корхоналар билан маҳкам алоқасини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. 13-мактаб билан «Промэнергомонтаж» монтаж бошқармаси коллективлари ана шундай ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширмоқдалар. Оталиқ корхоналари қуриб берган ўқув-ишлаб чиқариш корпусида ўқувчилар ишлаб чиқариш буюртмаларини бажармоқдалар. Шунга қарамай областдаги кўпгина мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида меҳнат таълими ўқув-моддий базасининг аҳволи жиддий ташвишлантирмоқда, янги мактаб биноларини ишга тушириш планлари йил сайин бажарилмаяпти, ўқитишнинг техникавий воситалари суст жорий этилмоқда, ўқитувчиларнинг илғор тажрибаси етарли даражада кенг оммалаштирилмаяпти. Йиғилиш қатнашчилари мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлларини белгиладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Йиллик план—муддатидан илгари

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

Шаҳар саноати корхоналари коллективлари КПСС XXVII съездини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, 1985 йил ва беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, асосий халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича 1985 йилнинг январь—апрель ойлари учун белгиланган давлат планини муваффақиятли адо этдилар.

Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотига қараганда, шаҳар индустрияси саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича тўрт ойлик планни 101,4 процент бажарди, товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқ эса 101,1 процентга адо этилди. Меҳнат унумдорлиги бўйича план 1,1 процентга ошириб бажарилди, бунинг ҳисобига қўшимча 15.4 миллион сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 104,3 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги эса 1984 йилнинг январь—апрелига нисбатан 3,4 процент ўсди. Меҳнат унумдорлигининг планга қўшимча ўсиши 1,2 процент бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини ўсиши эвазига юксалиши 88,4 процентни, маҳсулот таннархининг планга қўшимча камайиши 0.02 процентни ташкил этди.

Таъминот бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализацияси плани 97,7 процентга бажарилди. Товар маҳсулот реализация қилиш бўйича тўрт ойлик топшириқни шаҳарнинг барча районлари бажарди. Ленин, Чилонзор ва Куйбишев районлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда юксак суръатларга эришдилар.

1985 йилнинг январь—апрель ойларида Тошкент саноати планга қўшимча 17 миллион 647 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, топшириққа қўшимча Акмал Икромов райони 1036 минг сўмлик, Киров райони — 580 минг сўмлик, Куйбишев райони — 1.722 минг сўмлик, Ленин райони — 2.366 минг сўмлик, Октябрь райони — 359 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони — 1.533 минг сўмлик, Сергели райони — 1.463 минг сўмлик, Фрунзе райони — 810 минг сўмлик, Ҳамза райони — 4.904 минг сўмлик, Чилонзор райони — 824 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилдилар.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда қуйидаги корхоналар энг юксак кўрсаткичларга эришдилар:

— «Ўзбекэсельмаш», «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш, «Малика» трикотаж, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмалари, Тошкент мармар бирлашмаси;

— электрон техника, «Миконд», Тошкент химия-фармацевтика, ошхона ва бошқа мебеллар заводлари, ғўзапоядан плиталар ишлаб чиқарувчи, кўприк конструкциялари, «Промсвязь» заводлари;

— бош кийимлар, Тошкент ўйинчоқлар фабрикалари;

— абразив, 4-йирик панелли уйсозлик, булка-кондитер, 2-дон маҳсулотлари комбинатлари.

Шаҳар индустрияси шу йилнинг январь—апрель ойларида мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча 41 километр кабель, 23 компрессор, 28 пахта териш комбайни, 41 пахта сеялкаси, 58 тонна қоғоз, 114 минг ички ва устки трикотаж буюмлари, 16 минг чулки-пайпоқ буюмлар, 58 минг жуфт пойафзал, 5156 тонна омухта ем, 26 тонна макарон, 241 тонна маргарин ишлаб чиқардилар.

Шаҳарнинг кўпгина корхоналари шартнома мажбуриятларини амалга ошира бориб, буюртмачиларга муҳим халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тўрт ойлик топшириқни муваффақиятли адо этдилар. Шу билан бирга, йилнинг тўрт ойи мобайнида бир қатор корхоналар саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича план-топшириқларини уддалаша олмади. Бу «Промстройкомплект» ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика тайёрлаш министрлигининг тажриба-механика заводи, лак-бўёқ заводи, 1-уйсозлик комбинати, 2-уйсозлик комбинати, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, тамаки фабрикаси, «Союзучётиздат»нинг 1-босмахонаси каби корхоналардир. Улар планга нисбатан 2.312 минг сўмлик маҳсулот реализация қилмадилар.

Фрунзе район саноати товар маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати бўйича (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан) тўрт ойлик топшириқни уддалай олмади, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ўстириш бўйича мажбурият ҳам бажарилмади.

Фрунзе ва Киров районлари саноати маҳсулот таннархини планга қўшимча арзонлаштириш бўйича социалистик мажбуриятларни уддалай олмади. Фрунзе ва Киров районларида шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот етказиб бериш плани кўрсаткичи паст (нисбатан 93,1 ва 93,3 процент).

Тошкентнинг меҳнат коллективлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришяпти, шонли анъаналарга содиқ қолиб, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга интилишяпти.

Ҳозирнинг ўзида Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зарбдор вахтага якун ясаш, илғор тажриба билан қуролланиш, барча резервларни ишга солиш, ишлаб чиқариш программасини амалга оширишда юксак ижрочилик ва план интизомини кучайтириш лозим.

Ҳозирги энг муҳим вазифа бир қатор корхоналар, цехлар ва участкалардаги қолоқликни бартараф этишдан иборат. Меҳнат жараёнини шундай жорий этиш керакки, токи оз моддий-техника харажатлари билан шу ой учун қабул қилинган план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш мумкин бўлсин.

Бутун совет халқи каби тошкентликлар ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишдаги докладини, ундаги халқ хўжалигини бир маромда ва жадал ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги фикрларни жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар. Социалистик хўжалик юритишнинг, иқтисодий ва социал бошқарувнинг форма ва методлари замонавий шароитларга мувофиқ равишда, шунингдек истиқбол тараққиёти талаблари даражасида бўлиши учун барча зарур чораларни кўриш лозим.

Тошкентнинг меҳнат коллективларининг бурчи ярим йиллик ва беш йиллигнинг якунловчи йили учун белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришдан иборатдир.

ХАЛҚ ШОИРИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Ҳақли равишда Ўзбекистон халқ шоири номи берилган Уйғуннинг асарлари кўп миллатли совет адабиёти хазинасидан жой олган. Мана қариб 60 йилдирки, унинг ўткир қалами партия нигига, халқ ишига хизмат қилмоқда. Улуғ Ватан урушн йилларида Уйғун ёзган сатрлар ҳар бир ўқувчи қалбига етиб борган. Бу сатрлар жангчиларни ҳужумга отлантирган. Шоирнинг бундан 40 йил муқаддам ёзилган «Жангда», «Ғазаб ва муҳаббат», «Ватан», «Ғалаба қўшиқлари» щеърлари бугунги кунда ҳам ўқувчи қалбини тўлқинлантиради.

Уйғуннинг Алишер Навоий, Беруний, Абу Али ибн Сино, шоира Зебуннисога бағишланган асарлари ўзбек драматургияси тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолди.

Унинг «Қалтис ҳазил», «Парвона» пьесалари ўн йиллардан буён саҳнадан тушмаётир. Бу пьесалар одамларнинг тўла куч-ғайрат билан ишлашига халақит бераётган ҳодисаларни тагтомири билан тугатишга қаратилгандир.

Совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари, самарали жамоат фаолияти учун ва туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан ёзувчи Уйғунга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилди.

20 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон ССР халқ шоирига Ватан мукофотини топширди. У адибни қизғин қутлади, унга сиҳат-саломатлик, янгидан янги ижодий муваффақиятлар, бахт-саодат тилади.

Уйғун ўз меҳнатига берилган юксак баҳо учун жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор қилди, ўзимнинг бутун истеъдодимни партияга, халққа хизмат қилишга бундан буён ҳам сарфлайвераман, деб ваъда берди.

Мукофотни топшириш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ҳозир бўлдилар.

Шу куни Тошкентдаги Навоий номли опера ва балет театрида таниқли ўзбек совет адиби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган юбилей кечаси бўлиб ўтди. Қаламкаш ҳамкасблар, китобхонлар юбилярни самимий табрикладилар. Унга сиҳат-саломатлик, янги ёрқин асарлар яратишни тиладилар.

Кечада халқ шоирининг шеърлари янгради, унинг шеърларига басталанган қўшиқлар ижро этилди.

(ЎзТАГ).

ҲАР БИР КИШИ САЛОМАТЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАЙЛИК!

Турли касалликлар диагнози, даволаш ва касалликлар олдини олишнинг Ўзбекистон олимлари ишлаб чиқан янги методлари медицина практикасига кенг жорий этилмоқда. Аҳолига медицина ёрдамини такомиллаштиришга бағишланиб, 20 май куни Тошкентда иш бошлаган республика семинар-кенгашида ана шу ҳақда гапирилди.

КПССнинг XXVII съезди арафасида медицина ходимлари аҳолини ҳар йилги диспансер назоратидан ўтказишни ташкил этишга қаратилган кенг кўламдаги катта ишларни ўтказмоқдалар. Кейинги йилларда даволаш ва амбулатория муассасаларининг тармоғи кенгайди, медицина хизмати сифати яхшиланди.

Айни вақтда семинар қатнашчилари бу ишда ҳали жиддий камчиликлар борлигини айтиб ўтдилар. Ҳамма жойда дори-дармонлар, медицина асбоб-ускуналаридан оқилона ва самарали фойдаланиляпти, юқори малакали медицина кадрларини тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлларини белгилайдилар, Тошкент ва пойтахт областидаги даволаш-профилактика иши билан танишадилар.

(ЎзТАГ).

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОКШОМИ
21 МАЙ, 1985 й.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёш ишчи ўринбосарларни тайёрлаш ишидаги катта хизматлари ва ёшларни коммунистик рухда тарбиялашдаги актив жамоат иши учун Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг электрслесари ўртоқ Николай Матвеевич **Железновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»** фахрий унвони берди.

• Бизнинг интервью

Навқирон ижодий мавсум

ТОШКЕНТДА АНДИЖОНДАГИ Й. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ БОШЛАНДИ

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри биносида 29 майгача Андижондаги Й. Охунбобоев номли музикали драма ва комедия театрининг гастроллари ўтади. Театр директори Саидаҳрор Улуғов театрнинг республика пойтахтига қилган ижодий сафари ва коллективнинг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилиб берди:

— Театримиз Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида — 1919 йилда ташкил топган. Ўзбек адабиётининг асосчиси, истеъдодли драматург Ҳамза Ҳакимзода бу театрнинг яратилишига муносиб ҳисса қўшган. Улуғ Октябрнинг оташин куйчиси, ўзбек совет адабиётининг асосчиси яратган сермазмун асарлар орасида муносиб ўрин олган «Бой ила хизматчи» драмаси бизнинг театр коллективининг энг бебаҳо ижодий мулкига айланган. Бу асар узоқ йиллардан буён саҳнамиздан тушмай келаётир. Бундан ташқари театримизнинг ташкил топишида СССР халқ артистлари Лутфихоним Саримсоқова ва Тамарахоним катта хизмат қилишган. Улар коллективимизнинг асосчиларидан ҳисобланишади. Театримиз саҳнасида республика халқ артистлари С. Хўжаев ва М. Юнусов ажойиб образлар яратишган. Бундан ташқари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин ва ундан кейин Собир Абдулла театримизга адабий эмакдошлик вазифасини бажаришган. СССР халқ артисти Аббос Бакиров ва бошқа бир қатор шуҳрат қозонган санъаткорлар коллективимиз сафида ишлаганлиги билан фахрланамиз.

Ижодий коллективимиз 60 кишидан иборат бўлиб, улар орасида республика халқ артистлари Т. Бурнашева, А. Аминов, М. Убайдуллаева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Ғ. Хожиқулов, Х. Олимжонов, А. Сайбурхонов, артистлардан Н. Ҳакимова, К. Турғунова, Н. Болтабоев ва бошқалар бор. Истеъдодли ёшлардан К. Мадаминов, Б. Маматхонов, Б. Нурматов, К. Холиқов ва бошқалар яратган образлари билан томошабинлар ҳурматига сазовор бўлишмоқда.

Театр репертуаримиздан 15 га яқин асар ўрин олган.

— Ҳозирги замон театрининг ижодий қиёфаси, унинг камолоти, маҳорат даражаси фақат классик асарларнигина саҳналаштириш билан эмас, балки совет драматургларининг ранг-баранг мавзудаги асарларини ҳам талқин қила билиш билан ўлчанади.

— Ўринли гап. Режиссёрлар ва актерларнинг чуқур ижодий изланиши шундаки, улар ҳар бир асарнинг руҳига кенг кириб бормоқлари керак. Театримизда Чингиз Айтматовнинг асари асосида «Тўлғаной» спектаклини тайёрлаганмиз. Ижодий коллективимиз қаҳрамонларнинг ички маънавий оламини чуқур ўрганишлари натижасида асар муваффақиятли саҳналаштирилди. Спектаклни Ўзбекистон телевидениеси ёзиб олишни мўлжалламоқда.

Тошкент томошабинлари М. Бобоевнинг «Онаизор» замонавий мавзудаги асари асосида тайёрланган спектаклни кўрадилар, саҳна асарларининг премьераси Тошкентда бўлиб ўтади.

Театримиз репертуаридан «Отелло» ва «Ричард III» классик асарлари, «Она қизим» замонавий саҳна асари ўрин олган бўлиб, булар Тошкент томошабинларига намойиш этилади.

— Театр коллективининг сафари республикамизнинг бошқа шаҳарлари бўйлаб ҳам давом этадими!

— Тошкент шаҳридан кейин Хоразм областида гастролни давом эттириш тараддудидамиз. Республикамиз бошқа шаҳарлари томошабинлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турамиз. Пойтахт области томошабинлари ҳузурида ҳам бўлганмиз. Айниқса ишчи коллективлари — ип-газлама комбинати, трикотаж фабрикаси, ўқув юртларида бўладиган учрашувларимиз икки томонлама фойдали бўляпти.

Тошкент томошабинлари театримиз коллективини самимий кутиб олдилар. Барча ижодий коллективлар учун отахон ва атоқли бўлиб қолган Ҳамза номли театр биноси биз учун вақтинча берилганлиги қалбимизни беҳад мамнун этди. Бу биз учун ўзига хос байрамдир.





***

СУРАТЛАРДА: «Гули сиёҳ» ва «Қирол Лир» асарларидан саҳналар.

ИЛМ-ФАН — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

Озуқа оқсили манбаи

Бузоқлар рационини ёғ экстракция саноатининг чиқиндиси бўлган кунжара билан бойитишни Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари таклиф этишди. Ёғи олинганидан кейин қолган чигит бузоқларнинг овқатига яхшигина оқсилли қўшимча бўлди.

Олимлар 140 кун мобайнида ола-қора навли бузоқлар боқилаётган «Красний водопад» экспериментал базасида тажриба ўтказишди. Бузоқларга ҳар куни таркибида 10 процент кунжара бўлган озуқа бериб турилди. Бу қўшимча туфайли қорамолларнинг суткалик семириши анчагина ортганлигини тажриба тасдиқлади.

Институтда кунжарани паррандалар рационига ҳам қўшиб бериш текшириб кўрилмоқда. Бундай озуқа тухум қиладиган товуқлар маҳсулдорлигини оширди. Тухумда протеин моддаси ортиб, катталиги анча ошди. Кунжарани қўлланиш нормалари ишлаб чиқилди.

[ЎзТАГ мухбири].

Фурқат таваллудининг 125 йиллигига

МАЪРИФАТПАРВАР ШОИР



Маърифатпарвар демократ шоирлар ҳамиша ўз элюртини севдилар, унинг обод ва бахтиёр келажаги ҳақида қайғурдилар, тенгсизлик, ижтимоий адолатсизлик ҳукмрон бўлган бир шароитда озодлик ва бахтли ҳаёт ғоясини олға сурдилар. Ана шундай маърифатпарвар шоирлардан бири Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат ўз билими ва бутун қобилиятини халқ хизматига бағишлаб, маориф, эркинлик куйчиси сифатида танилди.

Таваллудининг 125 йиллиги нишонланаётган шу кунларда ватанпарвар ва халқпарвар шоир Фурқат ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кечалар, учрашувлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мажлислар залида бугун ўзбек демократ шоири ҳаёти ва ижодига бағишланган бирлашган илмий сессия бўлиб ўтди. Ушбу анжуман иштирокчилари ўзбек демократик адабиётининг тараққиётида Фурқатнинг ўрни, ижоди, ҳаётига оид янгиликлар ҳақида гапириб бердилар.

Қуйида биз XIX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётидаги реализм методининг йирик вакили Зокиржон Фурқат ижодига бағишланган мақола ва шоир ғазалларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Тарих саҳифаларини варақлаганда

ФУРҚАТ ТОШКЕНТДА

Ўзбек классик адабиётининг йирик вакили, маърифатпарвар —демократ, биринчилардан бўлиб рус халқи билан ўзбек халқининг дўст ва оға-ини бўлиб яшашини куйлаган оташқалб шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1889 йилнинг май ойида Тошкентга келиб, аввал Эшонқул додхо мадрасасида, сўнгра Кўкалдош мадрасасида истиқомат қилади. У аста-секин бу ердаги прогрессив ғоялар билан танишиб, маҳаллий маданият намояндалари — шоирлар, санъаткорлар ва илм аҳиллари билан яхши муносабатда бўлиб, улар билан баҳслар ва адабий мунозаралар қилади.

Тошкентда Фурқат илғор рус маданиятига ва унинг янгиликларига қизиқиб қарайди. Газета редакциялари ва босмахонасида бўлиб, матбаачилик ишларини кузатади, гимназия ва рус-тузем мактабларида ўқиш-ўқитишнинг янгича усуллари билан танишади. Театр ва концертларга, клуб ва бошқа жамоат муассасаларига боради, уларни катта қизиқиш ва мамнуният билан томоша қилади. Натижада, Фурқатнинг ижодида янги-янги мотивлар, сермазмун ғоялар пайдо бўлади. Фурқат театр томошаларида эркаклар билан хотин-қизларнинг бир қаторда ўтириб, томоша кўришларидан хурсанд бўлиб: «Ул томошохона,— дейди,— катта бир олий иморат бўлиб, анда эркак ва хотинлар келиб, ҳаммалари курсида яхши одоб тутиб ўтирур эканлар».

Фурқат рус тили ва адабиётини ўрганган биринчи ўзбек ёзувчиларидан бўлиб, у ўз халқининг маданий ривожланиши учун рус маданияти ва маорифи ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини тўғри идрок этиб, ўз шеърларида рус илм-фани ва маданиятини мадҳ этади ва халқини ундан таълим олишга чақиради. Мақола ва хатларида ҳам шу ғояларни илгари суради: «Биз мусулмон халқи Русия тирикчилигини кўриб, хурсандлик ва марғуб (маъқул) ишларини ўзимизникига қиёс этиб, тақлид қилмоғимиз керакдур». Шоирнинг бу ғояси ўша давр шароитида ҳам, ҳозирги пайтда ҳам жуда қимматлидир.

Фурқат Тошкентда илғор маданият, фан ва техниканинг тараққий этганлиги, шунингдек, рус илм-фани, «хат ва лисон»ининг ўзбек халқи орасида тарқалиши мамлакат бойлиги ва фаровонлигига боис бўлди, дейди. Мана унинг исботи: «Русия халқи хат ва лисон ўрганмоққа биз халқни таклиф қилса муроди ёмон эмасдир. Балки мамлакат обод бўлиб, фуқаро ва раиялар осойишта бўлмоқларини хоҳлайдур».

Фурқат Тошкентда «Гимназия», «Илм хосияти», «Виставка хусусида», «Театр ҳақида манзума», «Нағма базми хусусида», «Суворов ҳақида» каби бир қанча социал асарлар ёзиб халқни янги маданий ҳаётга, фан ва маърифатни эгаллашга ундайди. У маърифатпарварлик ғояларининг оташин жарчиси сифатида ижод қилиб, адабиётга ижтимоий фикрларни олиб кирди. Фурқатнинг фикрича, давлатнинг кучи-қуввати, сиёсати илм-фан биландир, олимлар, билимдонлар бошқарган давлат қудратли бўлади. Шунинг учун илмнинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти ҳақида сўзлаб, Фурқат қуйидаги хулосани келтиради:

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилнинг муроди илм бирла.
Кўнгилларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.
Керак ҳар илмдан бўлмоқ хабардор,
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Рус тили ва адабиётига катта ҳурмат ва муҳаббат билан қараган демократ шоирлар унинг юксак фазилатларидан илҳомландилар. Маҳаллий интеллигенциянинг бир қисми рус тилини ўрганиб, рус адабиёти намуналари билан оригиналда танишишга муяссар бўлганлар. Маърифатпарвар—демократ шоир Фурқат ўз асарларида «Пушкин номли улуғ рус шоири»нинг асарларини рус тилида ўқиганлиги тўғрисида гапиради. Фурқат фаолиятининг ўзбек маданияти тарихидаги энг муҳим аҳамияти ҳам шундаки, у рус маданиятини халқ ўртасида пропаганда қилди. Фурқат ўзининг рус музикасига бўлган самимий муносабатини Тошкентда яратган «Нағма ва нағмагар ва анинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида» деб номланган манзумасида яққол акс эттирди. У рус музика маданиятидаги ранг-баранг бойликни сидқидилдан севди ва уни ҳавас билан ўрганди.

Аё Фурқат, қулоқ сол забт этиб хуш,
Ки шояд наслимиз солғай дебон гўш,— деб келгуси наслларни ҳам бу маданий бойликдан баҳраманд бўлишга ундади. У рус маданияти ва унинг айрим тармоқлари билан чекланиб қолмади, у ўз даврининг кенг тушунчали илғор зиёлиси сифатида бу муҳим масалага принципиал жиҳатдан ёндошди. Шунинг учун ҳам у умумтурмушда ўзгариш ясаш, замонавий рус ҳаётидан маъқул томонларини қабул қилиш зарурлигини ўз халқига уқтирди. Бу ҳақда шоир шундай дейди: «Тошкент шаҳрига келиб, бир неча вақт туриб Русия халқининг одамлари билан танишиб, ошно бўлиб, аларнинг кўп расмларини кўрдим ва кўрмаганимни сўрдим, Русия расмлари аксари бизлар расмларимизга яқин эмасдур. Ушбу сабабдин мен ўз халқимға билдирмоқ учун газетга ёзаманки, биз халқға Русия халқи билан бир ерда турмоқ бизларга насиб бўлибти, анинг учун аларнинг расмларини яхши билмоқ бизларға зарур, чунки орамизда савдо ва бошқа робиталар кўпдир. Ўз нафъимиз учун Русия халқи амрига мулоҳаза қилсак лозимдур».

Профессор Самойлович қолдирган маълумотларга қараганда, «Кўқонлик шоир Зокиржон Фурқат» у билан яхши алоқада бўлган, ижодий ҳамкорлик қилиб, унга ўзбек адабиёти материалларини тўплаш ва ўрганишда ёрдам қилган. Остроумов, Наливкин, Е. И. Градусов, Г. А. Митропольский, Д. Назаров каби рус интеллигентлари билан бўлган яқин алоқа ва муомала Фурқатни руслар маданияти ва ҳаётини яхшироқ тушуниб етишга, уни муфассалроқ идрок этишга ёрдам берди. Натижада, Фурқат ижодида ғоявий ва бадиий-сиёсий жиҳатдан кўтарилиш бўлди. Ана шу пайтдан бошлаб Фурқат рус тилини кунт билан ўргана бошлайди. Улуғ рус халқининг тили шоирга энг долзарб пайтларда, сафарда жуда қўл келади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи қуйидагича ҳикоя қилади: «Тошкент шаҳридан чиқиб, Самарқанд вилоятиға келиб, оташ аробасиға (поезд демоқчи — Ж. У.) тушдим, станция маъмурлари билан билгонимча ўрусча сўзлашиб ва билет олиб аробаға ўлтурдум. Вокзал старшиналари билан сўзлашиб, маърифат қилдим... Бу қадар йўлда келгунча фақат Русия халқи бирлан сўзлашиб келдим,» — дейди.

Фурқат рус тилининг ҳаётдаги практик аҳамияти ҳақида тўхталиб, бу тилни жонли сўзлашув формаси билан бир қаторда унинг ёзув формаси бўлган имло ва ёзувни ҳам ҳар бир инсон билиши зарурлигини қайта-қайта таъкидлади ва бир ўринда у ўз ҳаётидан жонли бир эпизодни келтиради. Фурқат Истамбулдан ўз юртига мактуб юбормоқ учун почтага киради, хат конверти устига русча адрес ёзади. Шу билан бирга у почтада ҳозир бўлган одамларнинг мактубларига ҳам русча адрес ёзиб беради.

«Русия халқи ҳамма вақт биз мусулмон халқини давлатманд ва хурсанд бўлмоғимизга қўшиш қиладур. Минбаъд ҳам шундоқ бўлса керак,»— деб башорат қилиб айтган Фурқат улуғ Ленин тили бизнинг иккинчи она тилимиз бўлиб қолишини олдиндан билган эди. Бу шарафли ва оламшумул ҳақиқат Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг кўп миллатли Ватанимизда амалга ошди ва Фурқат зориқиб кутган замон — халқлар дўстлиги, биродарлиги замони барқ урди, яшнади.

Ўз халқининг маданияти ва санъатини севган Фурқат, рус санъатини ҳам севди. У Тошкентда яшаб турган пайтларида рус театри ва музикаси ҳақида шеърлар ёзди. Бу шеърларида у рус музикасининг нозик нуқталаригача яхши тушуниб, унга бўлган ўз қарашларини, ҳис-туйғуларини катта маҳорат билан ифодалади. Рус классик музикаси ички мазмунга, мелодияга бойлиги ва диапазонининг кенглиги, халқчиллиги, нафис ва гўзаллиги билан ажралиб туради. Ана шу хусусиятларни яхши идрок эта билган Фурқат:

Экандур нағман Русия дигар,
Ани асбоби ҳам ғайри муқаррар.
Муғанний айласа гар нағма оғоз,
Чиқар ҳар қайсидан бир бошқа овоз.

ёки:

Ўзимга тушти бир кун ушбу аҳвол,
Бор эркан нағма онинг оти раёл.
Эшиттим бир қиз анда баҳри ҳожот,
Қилур нағма тили бирла муножот.
Менга ул нағма андоқ қилди таъсир,
Жигардин ўтти гўё тез пар тир.
Ўшал дам бўлди ҳолотим дигаргун,
Тўлуб тошди юрак монанди жайхун,—деди.

Юқорида айтилганларни якунлаб, шуни айтиш лозимки, Фурқат икки йиллик Тошкентдаги ҳаётида илм-маърифатни, рус илғор маданиятининг кўзга кўринган намояндаларини мадҳ этди. Шундай қилиб, ўз халқини мана шу янги замон маданияти ва маърифатидан, илм ва техникасидан намуна олишга, ундан ўрганишга астойдил чақирди.

Фурқат Тошкентда жуда кўп лирик ғазаллар яратиш билан бирга, янги, ижтимоий ҳаётга ҳамоҳанг бўлган социал мазмундаги, прогрессив ғоядаги маснавийлар ижод қилди. Рус миллатининг ҳам, ўзбек миллатининг ҳам реакцион доиралари маърифатпарвар Фурқатни ёмон кўриб ватангадоликда яшашга мажбур қилган бўлсалар ҳам, бу ҳар икки миллатнинг илғор фикрли фарзандлари энг оғир вазиятларда ҳам оташқалб шоирни қўллаб-қувватладилар. Уларнинг самимияти, олижаноб одамийликлари Фурқатнинг қалбида ўчмас из қолдирди, улардан шоир Фурқат ҳамиша миннатдор эканлигини ўз мактубларида қайта-қайта айтиб ўтди.

Халқи ва ватанига садоқатли, меҳнат аҳлига меҳрибон мутафаккир Фурқат, инсон тақдири билан ёнди, инсон ва инсонпарварлик ғояларини, яхшиликни, дўстлик ва биродарликни ёниб куйлади, нурга интилди, аҳилликка чақирди. Умри бўйи халқига яхшиликни истади, бугунни орзу қилди. Жонажон ватан—Ўзбекистонида бой ва зодагонлар, фирибгар ва зоҳидлар мараз қилмишларидан пушаймон бўлиб, албатта ҳақиқат қуёши балқишига, адолат байроғи баланд кўтарилишига имон келтирган Фурқат минг марта ҳақ эди. Халқимиз Фурқат ҳаёти ва кўп қиррали ижодини бугунги кунда яна бир бор эъзозлаб, унинг ҳурматини бажо келтиряпти.

Жўрахон УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг катта илмий ходими, педагогика фанлари кандидати.

ФУРҚАТ

МУХАММАСЛАР

ЎЗИНГСАН

Эрмас манга ғараз гул, гулдин нишон ўзингсан,
Марғуб эмас сановбар, сарви равон ўзингсан,
Қадди сиҳи, юзи гул, ғунча даҳон ўзингсан,
Қилғон чаманда ғунча бағрини қон ўзингсан,
Зийнат физойи боғу ҳар бўстон ўзингсан.

Умри эрур ётибман туфроқда зору ноком,
Сол соя бошим узра сарвингдин, эй гуландом,
Ҳайратда мен билолмай оғзи қайси анжом,
Жону кўнгулда йўқдур сенсиз қарору ором,
Кел, эй кўнгул қарори, оромижон ўзингсан.

Зоҳир қилиб борурсан гаҳ ишва ҳар қаёнға,
Пинҳони ўт солурсан жисм ичра хаста жонға,
Гар кўзғотиб кўзингдин юз фитналар замонға,
Ғамзанг солур, нигоро, гаҳ шўрлар жаҳонға,
Сар фитнаи замон ҳам шўри жаҳон ўзингсан.

Маҳбуб йўқ сенингдек, гулчеҳра, шўхи танноз,
Нахли қади назокат боғида жилва пардоз,
Ишқингда жон берурға бориси марду жонбоз,
Ушшоқ қулларингға жойиздур айласанг ноз,
То кишвари малоҳат тахтида жон ўзингсан.

Ҳам бўлди қоматингдин гулшанда нахли тарлар,
Оғзинг ғамида ғунча қон айлади жигарлар,
Топмас агарчи андин аҳли дақиқ асарлар,
Лоф урмасун белидан даҳр ичра мў камарлар,
Танҳо латиф пайкар нозик миён ўзингсан.

Айлар абас тишингга дурлар Аданда даъвий,
Ҳам лаъли лабларингга мулки Яманда даъвий,
Шаҳло икки кўзингға оҳу Хўтанда даъвий,
Тўти шакар оғиздин сочиб суханда даъвий,
Ботил эрур тамоми, ширин забон ўзингсан.

Ноз ила боз дерсан, эй сарви хуш хиромон,
Фурқатни булҳавассан ишқимда бермадинг жон,
Охир бу туҳмат ила бағримни қилмағил қон,
Бузган ерида турмай, юз йўла аҳди паймон,
Золим, жафо шиору номеҳрибон ўзингсан.

ИСТАР КЎНГИЛ

Дўстлар, айшу тараб, фасли баҳор истар кўнгул,
Ҳар куни саҳрода сайри лолазор истар кўнгул,
Айламак ҳар сори оҳулар шикор истар кўнгул,
Кабк рафторин кўрарға кўҳсор истар кўнгул,
Доғи хурсанд этгуси ҳар не ки бор истар кўнгул.

Гашт қилсанг аҳли дониш бир неча аҳбоб ила,
Тўла бўлса шишалар доим шароби ноб ила,
Гул яқоси масканинг ўлса канори об ила,
Бодаи гулранг тортиб, ўлтуриб одоб ила,
Ғусса дардин айлабон дафъи хумор истар кўнгул.

Мутриби хуш лаҳжалар танбурини соз айласа,
Руҳпарвар байт ўқуб, хиргоҳи овоз айласа,
Гоҳи «Мискин» машқию, гоҳи «Чавандоз» айласа,
Етса анжомиға ул ғайрини овоз айласа,
Гоҳи қонун, гоҳи ғижжак, гаҳ дутар истар кўнгул.

Мунисинг бўлса ҳамиша бир вафо густар нигор,
Ўзга фан этган виқору айлаган тамкин шиор,
Бўлсанг онинг васли бирла комрону комкор,
Шавқинг ошиб, бўйнига қўл ташлабон беихтиёр,
Бўса лаълидин олиб, қилмоқ канор истар кўнгул.

Тортибон гаҳ ғабғабидин, гаҳ узоридин ўпуб,
Ислаб-ислаб гоҳи ул чашми хуморидин ўпуб,
Кўзни суртуб гоҳ хатти мушкборидин ўпуб,
Гоҳ гирибонин очиб, кўксида норидин ўпуб,
Бош тизиға қуюб, этмак жон нисор истар кўнгул.

Солмаса чархи фалак давронимиз ичра халал,
Айлабон боғи ҳаётимиз хазон боди ажал,
Кўргузуб юз жаҳд айёми баҳор ўтмай жадал,
Сайр қилсак, ҳар баҳор айёми саҳрою жабал,
Чун зиёрат этмак асҳоби кибор истар кўнгул.

Неча кун маҳтоб тунларда олиб тарфи чаман,
Тонғача гуллар аросида тузулса анжуман,
Ой каби қилса мунаввар боғ саҳнин настаран,
Ерға нақш ўлса саросар соян барги суман,
Устиға қилмоқ хино бирла нигор истар кўнгул.
Гар фалак кажравлиғидин бахт ёзар бўлмаса,
Ҳамнишиним ҳар кеча бир моҳ пайкар бўлмаса,
Оразидин байтул эҳзоним мунаввар бўлмаса,
Мунча қилғон орзулардин муяссар бўлмаса,
Фурқатий узлат учун бир кунжи ғор истар кўнгул.

КИШИ ҲОЛИМНИ БИЛМАС

Киши ҳолимни билмас меҳрибонидан адашгонман.
Ватан оворадурмен, дўстонидин адашгонман,
Ватансиз бенаводурмен, маконидин адашгонман,
Ғариби кўйи ғурбат хонумонидин адашгонман,
Ва ё бир мурғи ваҳший ошёнидин адашгонман.
Бошимда дам-бадам бир кулфати дигар макон айлар,
Дилимни ҳар нафас ондуҳи дигар остон айлар,
Фалак пайваста тийри ғамға кўксумни нишон айлар.
Тирикман зоҳирида, халқ бир одам гумон айлар,
Валекин ҳоли сурат танда жонидан адашгонман.
Ғарибу бекасу сарсонлиғимнинг боиси шудур,
Ҳазину хастау гирёнлиғимнинг боиси шудур,
Жаҳон овораи ҳайронлиғимнинг боиси шудур.
Харобу бесару сомонлиғимнинг боиси, шудур,
Ки бир соҳиб каромат остонидин адашгонман.
Бўлубман ошиқи шўридан бир нозанин дилбар,
Фароқида дилим ғамнок, бағрим чок, чашмим тар,
Танам хошокидан шуъла урар ишқ оташи яксар,
Муҳаббат ўтида куйғоч бўлуб бир тўда хокистар,
Фано боди тегиб ному нишонидин адашгонман.
Кезиб дашти биёбон баҳру барлар йиғласам, тонг йўқ,
Тўкуб ёш ўрнига кўздин гуҳарлар йиғласам, тонг йўқ,
Малолат зоҳир этмонг, ҳамсафарлар, йиғласам, тонг, йўқ,
Чекиб булбул каби афғон саҳарлар йиғласам тонг йўқ,
Ки келди фасли гул, мен гулистонидин адашгонман.
Менга кор этти даврон инқилоби на илож айлай?
Насиб ўлди мазаллат хўрду хоби на илож айлай?
Қолибмен ташна йўқ бир коса оби на илож айлай?
Бошимга тушди ғурбат офтоби на илож айлай?
Фалакни гардишидин соябонидан адашгонман.
Лақаб ҳар кимсага мардум ба қадри одатий дерлар,
Ушал ким анжуманда ўтса умри суҳбатий дерлар,
Фано куйида кимки муътакифдур хилватий дерлар,
Замон аҳли бу боисдин тахаллус Фурқатий дерлар,
Неча йилдур бир ошубн замонидин адашгонман.

АТЕИСТИК МАВЗУЛАРДА СУҲБАТЛАР

ХУРОФОТНИНГ УЙИ КУЙСИН

Ҳой, ўғлим, Мусатоймисан! Вой бўйларингга қоқиндиқ, кап-катта йигит бўлиб қолибсан-ку, тасаддиқ. Бувинг уйдами! Ҳа, энди эски қадрдонимни бир кўриб кетай, дедим-да. Машойиҳлар ўтирган бўйра, юрган дарё, дейдилар, айланай. Ҳам сайру-саёҳат, ҳам ширин суҳбат кимга ёқмайди. Одамнинг таптини одам олади-да, гиргиттон.

Вой-вой, ана эгачимнинг ўзлари ҳам чиқиб қолдилар. Омонмисиз-эсонмисиз. Ҳой, ўртоқжон, бундоқ борай ҳам демайсиз-а! Ҳа, энди қандоқ қиламиз, оёқ ўлсин, қариганимдан кейин атак-чечак қилиб қоларкансан киши. Ораси бир чақирим йўлни икки соат босибман-а ўргилай.

Йўқ-йўқ, қўйинг, уйда диққинафас бўлиб нима қиламиз. мана шу айвон баҳаво экан. Ғир-ғир шабадада ўтирганга не етсин, айланай.

Ўзингиздан қолар гап йўқ. Қалай, чарчамайгина ўтирибсизми невараларингизни бағрингизга босиб. Ҳой Мусатой ўғлим, бир пиёлагина муздак чойинг бўлса бергин. Қаричилик курсин, йўл юрсанг нафасинг тиқилиб қоларкан киши...

Бугун рўзанинг биринчи кунлари дейсизми! Биламан айланай. Ҳа энди, ўзим тутмагандан кейин... Вой-вой, анаву хотинни қаранг, ўзингиз тутдек тўкилиб турган бўлсангиз зарилми сизга рўза тутиш. Қўйинг-эй эгачи, сал йўли билан ланда энди. Нима, рўза тутмасангиз биров сизнинг ёқангиздан олармиди! Нимаси гуноҳ экан. Хўб, тўхтанг-тўхтанг, олдин мен тушунтирай. Ҳамиша кўзингиз кеч очиладида. Бурноғи йили давангирдек чолингиз рўза тутиб нима бўлди! Бир ойнинг ичида ипдек чўзилиб қолди-ку. Шу баҳона дунёдан ўтиб кетди боёқиш... Бандачилик эмиш, нимаси бандалик. Ахир докторлар ипидан-игнасигача текшириб айтиб беришди-ку ҳаммасини. Ҳақиқатдан кўз юммангда энди. Бечоранинг ўлимига рўза сабаб бўлди. Узу-кун овқат емагандан кейин режим бузилмай нима қилсин ахир. Ҳа, энди ўқимаган бўлсам ҳам, уққанларданман айланай. Вой, режимнинг нималигини нега билмас эканман. Ўзингиз биласиз, кенжатойим манаман деган доктор бўлгандан кейин, онаси ҳам анча-мунча шифокорликдан хабар топадида ахир.

Қўйинг-эй, мен сизни тушунадиган хотин десам, ғирт овсар экансиз, айланай. Агар овсар бўлмасангиз шу гапни айтармидингиз. Бу ёмон сарқит.

Ҳой, тўхтанг энди, ишонмасангиз мен сизга бир воқеани айтиб берай. Яқинда ўғлим ишлайдиган шифохонага ёшгина бир аёлни келтиришди. Нима қилибди денг, борйўғи кўчада йиқилиб оёғи лат еган экан, холос. Касалхонада... ҳа, ҳалиги аллам бало дейди-ю, вой гапингизни қаранг-чи, мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз-а эгачи. Ҳа, эсладим, гипс. Ўша билан оёғини маҳкамлаб қўйишибди. Шу куни кечқурун эри нодонлик қилиб докторлардан сўроқсиз хотинини уйига олиб кетибди. Эртасига табибга олиб борибди. Табиб ўлгур гипсни кесиб соппа-соғ оёқни тортқилай-тортқилай синдирибди. Аёлнинг оҳ-воҳидан соддадил эрнинг капалаги учиб кетибди. Қирс этиб синган суякни табиб «ана энди чиққан жойига тушди», дебди. Бунинг устига хурофотга берилган эрнинг қўлидан мўмай пулни юлиб олганини айтмайсизми!

Эр-хотин хурсанд уйга қайтишди, лекин оғриқ кучайгандан-кучаяверди. Нонлож табибни уйга чақиришга мажбур бўлишди. У ҳар келганида «оғриқ қолдирадиган дори» бериб кетаверди. Бечора аёл икки ҳафтада бутунлай қолдан кетибди. Оёқнинг «чиққан жойи» қорайиб кетганини кўриб табиб ҳам ваҳимага тушди. Охири қўни-қўшнилар аралашуви билан беморни яна қайта касалхонага олиб боришганда вақт ўтган экан. Оғриқ азобидан, табибнинг нотўғри муолажасидан оёқда қорасон пайдо бўлган экан. Докторлар аёлнинг жонини сақлаб қолишибди-ю, лекин оёқни сақлаб қолишолмабди. Соддадил эрнинг «кўрлиги» мана шундай фожиа билан тугади.

Вой, кўз ёшингизни артинг, ўргилай. Нега йиғлайсиз, раҳмингиз келди-а. Хурофотга берилишнинг оқибати шу-да айланай.

Тунов куни қўшнимиз Салимахон ҳам бир ўлимдан қолдида. Нега танимайсиз, танийсиз ўргилай. Ану Қосим косибнинг келини бор-ку. Ҳа, ҳа, ўша. Кечаси бирдан иссиғи кўтарилиб ўнг биқини санчиб оғрий бошлади. Дарров Сарви киннакашни чақиришибди. Оғриқ кучайган сари Сарви ўпгур киннага зўр берармиш. Хуллас, эми бўлмагач, докторга олиб боришибди. Кўричак билан оғриган экан бечора. Ичаги ёрилиб кетишига сал қолган экан. Ҳа, ношукур банда, беминнат докторлар турганда пуллик киннага бало борми. Ана хурофотнинг оқибати, айланай.

Ҳа, тушунасиз, тушунасиз ўргилай. Лекин ҳамиша кеч тушунасиз. Агар олдинроқ ингаганингизда балки чолингиз бечора ҳозир ҳам тирик бўлармиди. Дарров юрагингиз ҳам сиқила қолдими. Минг қилса ҳам болаларингизнинг отасида, бир умрлик қадрдонингиз эди. Шундай бўлгандан кейин унутиб бўлармиди.

Хўп, уни-буни қўйинг. Битта иссиқ чой дамлайсизми ё хайрмаъзурни насия қилиб кетаверайми! Шунақами, ҳа айтмоқчи, сиз рўзасиз айланай. Вой-вой ана ўзим ҳам айтувдим-а, эгачимнинг кўнгли бўш деб. Ҳа энди, инсон соғлиғи учун кони-зарар бўлгандан кейин рўза тутиб сиз билан менга нима зарил келибди. Ўша эски хурофотларнинг уйи куйсин айланай.

Оҳ-оҳ, қўлингиз бир ширинки, чойингиз шакар бўлиб кетибди-я. Ана, ўзингизга ҳам ёқиб қолди. Энди ўтиравермай эртага секин бизникига боринг. Ўғлим олиб келган «тўқсон беш»дан дамлаб бир чақчақлашамиз, айланай.

Хўп кўришгунча хайр, Саодатбону.

Чилонзорлик Қаҳрамон она Холпошша Сандованинг айтганларини оққа кўчирувчи **М. КОМИЛЖОНОВ.**

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг

21-ЎРТА ҲУНАР-ТЕНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМАЧИ-КОНСТРУКТОР, ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ, ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ПРОГРАММИСТИ, ЎЙИН АВТОМАТЛАРИ МЕХАНИГИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ ҲАММА ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН 3 ЙИЛ, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН 1 ЙИЛ.

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Билим юртини битирганлар Тошкент шаҳридаги муассасаларда, ташкилотларда, идораларда, лойиҳа-конструкторлик бюроларида, ҳисоблаш марказларида иш билан таъминланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, ариза, паспорт, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

Билим юрти адреси: 700084, Тошкент шаҳри, Киров райони, Хуршид кўчаси, 45-уй (14, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

10-ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭРКАКЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, ХОТИН-ҚИЗЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЕНГИЛ КЎЙЛАКЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, МУРАККАБ РЎЗҒОР ТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА (совутиш қурилмалари) СЛЕСАРЬ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ФОТОГРАФ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ САРТАРОШ, ОШПАЗ, ҚАНДОЛАТЧИ.

Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқиш муддати — 3 йил. Бу ихтисослар бўйича 8-синф ҳажмида маълумоти бор бўлганлар қабул қилинадилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЕНГИЛ КЎЙЛАКЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ САРТАРОШ (ўқиш муддати 1,5 йил); **КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ФОТОГРАФ, ОШПАЗ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ, ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКАСИ** (ўқиш муддати 1 йил).

Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқишга ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар ҳар куни 3 маҳал бепул овқат, иш кийими ва дам олиш кунлари учун мўлжалланган кийимлар билан таъминланадилар. Ўларга ўқишни тугатганларидан сўнг ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган ихтисослари бўйича 5-разряд берилганлиги ҳақида диплом берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТ БИЛАН КИРГАНЛАР СТИПЕНДИЯ ВА КИЙИМ-БОШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматини ўтаб келганларга биринчи разрядли ишчининг меҳнат ҳақи ҳажмида стипендия тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти қошида бадний ҳаваскорлик тўгараги, техника ижоди ва спорт секциялари ишлайди.

Кирувчилар билим юрти директори номига ёзилган ариза га қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, отаси ёки онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 1/2-«Қорақамиш» массиви, 20-уй (42, 93-автобуслар; 10, 27-трамвайлар; 19, 56-маршрут таксиларининг «Мактаб» бекати, 7, 10-троллейбусларнинг «1/2-Қорақамиш массиви» бекати).

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

МИЛЛИЙ КАШТАЧИЛИК (попончилик) **бўйича мутахассислар тайёрланадиган**

6 ОЙЛИК ҚУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8-10 синф ҳажмида маълумотли, 16 ва ундан катта ёшдаги Тошкент шаҳрида доимий прописка бўлганлар қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 35 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Курсни тамомлаганлар Тошкент бадний буюмлар фабрикасига ишга юборилади.

Фабрика қошида кечки мактаб ишлайди ва ўқишни давом эттириш мумкин.

Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

Машғулотлар ҳар ойнинг бошида бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, Олча проезди, 2-уй (38, 59, 76, 166-автобусларнинг «Магазин» бекати). Справкалар учун телефон: 44-29-70.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

СССР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МУЗЕЙИ ЗАЛИДА

(Ленин проспекти, 4 «а» уй)

21-30 МАЙ КУНЛАРИ

ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

ҚИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

КЎРГАЗМА ҲАР КУНИ СОАТ 11 ДАН 19.00 ГАЧА ОЧИҚ.

Дам олиш куни — якшанба.

ҚИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ КУНЛАРИДА МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА НАШРИЁТЛАРИ ҲАМДА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР НАШРИЁТЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР САВДОСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

ҚИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТАШКНИГА».

АСАЛНИНГ РОҲАТБАХШ ИСИ

Адиб У. Сароянинг ҳикояларидан бирида музлаб қолган қушчани асалнинг роҳатбахш ҳиди жонлантириб юборган. Бу ажабланарли эмас.

БИР ТОМЧИ ТАБИИЙ АСАЛ—ЯХЛИТ ДОРИХОНАНИНГ ЎЗИ ДЕМАКДИР. Унда глюкоза ва витаминлар, гормонлар ва органик кислоталар, ферментлар, антибиотиклар ва бошқа кўплаб шифобахш дори-дармонлар мужассамлашган.

Табобат илмининг буюк бобокалони Абу Али Ибн Сино юрак, ўпка, ошқозон-буйрак касалликларини даволашда асалдан жуда ҳам оқилона фойдалана билган, уйқусизлик хасталикларида асал тановул этишни тавсия қилган.

Бу ғоятда ҳаётбахш неъмат беморларга ҳам, соғ-саломат кишиларга ҳам ҳамиша фойдалидир.

Қадим-қадим замонлардан буён асалдан лаззатли ва хушхўр таомлар тайёрлашган. Масалан чак-чак ва ҳар хил бўғирсоқлар шулар жумласидандир.

Россияда асал қўшилган квaслар шуҳрат қозонган. Ўрта Осиёда эса серёғ, сутга асал қўшиб қувватижон тайёрлашган; қаймоққа эса асал қўшиб болқаймоқ қоришган, Қирғизистонда эса асал, лавр барги, гул, қора мурч ва бошқа зираворлар қўшиб тайёрланган қайноқ ичимликни «бол» деб аташади.

ФРУНЗЕ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДА ТАБИИЙ АСАЛ СОТИЛМОҚДА:

1— Артиллерия кўчаси, Марказий бозор;
6—Педагогика кўчаси, 75-уй;
8— Ш. Руставели кўчаси, 130-уй;
9— Абдуллаев кўчаси, 13-уй.
18—Бошлиқ массиви;
19— Ш. Руставели кўчаси, 65 «а»-уй;
20-21— Ш. Руставели кўчаси, 59-уй;
24— Ивлев кўчаси, 2-уй;
26-27—Биринчи май бозори;
28— Ш. Руставели кўчаси, 140-уй;
29— Б. Хмельницкий кўчаси, 79-уй;
32— Фарҳод кўчаси, 6«а»-уй;
33— Ивановолик тўқувчилар кўчаси.



ФРУНЗЕ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 53-28-20).



БИОЛОГИК МОДДАЛАР САМАРАСИ!

АГАРДА СИЗ БИОЛОГИК МОДДАЛАР ҚЎШИЛГАН СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ ИЧКИ КИЙИМЛАР ВА ЧОЙШАБЛАРДА БИРОРТА ҲАМ ДОҒ ҚОЛМАЙДИ.

«ОКА» КИР ЮВИШ ПОРОШОГИ ип-газлама ва лён газламаларидан тайёрланган буюмларни ювишга мўлжалланган.

«БИО» КИР ЮВИШ ПАСТАСИ — табиий шойи ва жундан ташқари барча газламалар учун аталган.

Агарда сиз буюмларни ювишдан олдин бироз сувга ивитиб қўйсангиз биологик қўшимча моддаларнинг самарали таъсири янада ошади.

СУВ ҲАРОРАТИ 60 ДАРАЖА ИССИҚДАН ОШМАСЛИГИ КЕРАКЛИГИНИ УНУТМАНГ!

«УЗБИТХИМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

СУВДА СУЗАМИЗ ВА ШЎНҒИЙМИЗ,

САКРАЙМИЗ, ЮГУРАМИЗ, ҚУЁШ НУРИДА ТОБЛАНАМИЗ

Бунинг учун бизларга КУПАЛЬНИКЛАР ВА ПЛАВКИЛАР, СПОРТ МАЙКАЛАРИ ВА ТРУСИЛАР керак.

БУНДАЙ ДАМ ОЛИШ КИЙИМЛАРИНИ «УЗСПОРТТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

1 — Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй;
2— Муқимий кўчаси, 16-уй;
22 — Олмазор массиви, 15/3;
42 — Олой бозори.

«УЗСПОРТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —21/V да **Тоҳир ва Зуҳра**, 22/V да **Бир актли балетлар кечаси.**

кино

21 МАЙДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Чайка** (18.30, 21.??; телефон 77-06-20), **Нукус** (18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«ҚОРА ҚАЛХАТ» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА»— **Тинчлик** (тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-24-02), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

ҚИШЛОҚИ ҚИЗ» —**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«БЕҒАРАЗ» — **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» (2 серияли) — **Хива** (21.30).

«ПРОХИНДИАДА ЁКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

22 МАЙДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» (2 серияли)—**Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 13.30, 16 18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«БЕҒАРАЗ» —**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ»—**Хива** (21.30).

«УЛЬЗАНА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПРОХИНДИАДА ЁКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ГИТАРАДИ ҚАЛЛОБ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА **22 май соат 19.00 да** СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН «ПАХТАКОР» (Тошкент)— «ПОМИР» (Душанба) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Пахтакор» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билетлар сотилмоқда.

Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ **1985 йил 25 май ва 8 июнда соат 14.00 дан 16.00 гача ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ**

Билим юртига мактабларнинг 8-10 синф ўқувчилари ва ота-оналар, шунингдек илгари мактабни битирганлар ва авиация техникумига ўқишга киришни хоҳловчи йигит-қизлар таклиф қилинади.

Шу куни ўқувчилар техникумнинг ўқув кабинетлари, лабораториялари, устахоналари билан танишишади.

Барча масалалар юзасидан қабул комиссиясига мурожаат қилинсин.

Техникум ҳузурида техника ижоди кўргазмаси ишлаб турибди.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй (2, 3, 4, 13, 22, 25, 28-трамвайлар; 58, 68, 133, 26, 52- автобуслар; 1, 3, 8, 10, 13, 16-троллейбусларнинг «Революция хиёбони» бекати).

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг Марказий конструкторлик лойиҳа-технология бюроси коллективи бош лойиҳа конструктори А. Мараҳимовга ўғли

Ҳасан Абдуқаримович МАРАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТВ

сешанба

21 МАЙ

● МТ I

17.40 Шоир Л. Мартиновнинг ижодига бағишланган телевизион ҳужжатли фильм.
18.40 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Шу куннинг почтаси». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
19.50 «Қадрдон оҳангларда қанча туйғулар...» Фильм-концерт премьераси.
20.25 «Кузги шудринглар». Телевизион бадний фильм премьераси, 1-серия.
21.30 «Время».
22.00 СССРда ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШИ. РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрида концерт. Танаффус пайтида — «Дунё воқеалари».
23.55 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.15 МТ ва БР эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Социалистик экономикани бошқариш». Кўрсатувни СССР ФА мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради.
21.15 «Обь—Сибирь дарёси». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.00 «Ҳаммаси одамларга қолади». Бадний фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Соябон». Мультфильм.
18.20 Ўсмирлар учун «Тенгдош» (рус.).
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Солдат онаси».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «О, денгиз, денгиз!» Катталар учун мультфильм.
20.00 Телевизион новеллалар театри. С. Зуннунова. «Чайковчининг тавбаси».
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР халқ артисти М. Шамаева ва ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова ижросида Шарқ халқларининг қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дала ишлари кундалиги».
22.20 «Омадли «Чўртан» командири». Бадний фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Бир севги тарихи». Телефильм.
18.50 Ўқитувчи экрани (рус.).
19.20 «Колхозга нима учун айиқлар керак», «Автомобиль йўли соқчилари». Ҳужжатли фильмлар.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Тюленлар». Телефильм.
21.00 «Абитуриент-85» Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти.

чоршанба

22 МАЙ

● МТ I


9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, фронт медицина ҳамшираси М. З. Шчербаченко билан учрашуви.
10.25 Т. Хренников. «Гусар балладаси» балетидан куй.
10.45 «Кузги шудринглар». Телевизион бадний фильм. 1-серия.
11.50 Янгиликлар.
15.50 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари» Ҳужжатли фильмлар.
15.50 «Ака-ука Заволокинлар лапарлари».
16.15 «Александр Корнейчук».
17.20 «Ота уйи». Телеочерк.
17.50 «Қувноқ стартлар».
18.35 «Фан ва турмуш».
19.05 «Фожиа бўлмаслиги мумкин эди». Алкологизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Нима эксанг....» Мультфильм премьераси.
19.40 «Дунё воқеалари».
20.20 «Кузги шудринглар». Телевизион бадний фильм-премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. А. Сурков.
22.30 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.
22.50 «Менинг қўшиғим». Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист. Р. Римбаева иштирокида фильм-концерт премьераси.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Астрономия. 10-синф. Коинот ҳақида нималарни биламиз.
10.05, 14.10 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. В. И. Ленин. «Хозирги куннинг асосий вазифаси».
11.40, 12.40 Тарих. 9-синф. СССРда маданий революция.
12.10 «Онамларнинг мактаби».
13.10 Совет тасвирий санъати. «В. А. Фаворский устахонасида».
14.40 Умумий биология. Ирсият ва ўзгарувчанлик.
15.10 В. В. Маяковский. «Жуда соз». Поэма.
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 Ҳалқа йўл бўйлаб «Социалистик мамлакатлар дўстлиги кубоги» автопойгаси халқаро мусобақалари. Ригадан олиб кўрсатилади.
19.15 «Травкинга ким эргашади?» Қурилишда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини такомиллаштириш ҳақида 1-кўрсатув.
19.45 Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати С. Найко чалади (баян).
20.00 «Инсон ва қонун».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Советский спорт» киножурнали.
21.00 «Музикали киоск».
21.30 «Время».
22.05 «Юқори проба». Уч сериялы телевизион бадний фильм премьераси. 1-серия.
23.10 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) —«Арарат».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Чемпион бўлишни хоҳлайман». Телефильм.
10.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).
11.30 Физика, Физика ва илмий-техника революцияси.
12.00 «Мактаб директори нималарга улгуради». Телефильм.
12.30 Химия. Ўзбекистонда химия саноатининг ривожланиши.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қушлар байрами». Мультфильм.
18.25 Глиэр номидаги музика мактаби интернати ўзбек халқ чолғулари оркестрининг концерти.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Помир» (Душанба). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Зулфия қўшиқлари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Халқлар Дўстлиги орденли В. Маяковский номли Душанба рус Давлат драма театри.
23.35 Янгиликлар.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р— 09260. **Индекс 64690.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.